



Иш вазифаси

// должностные обязанности

ГУРУХ ВА КОТИБИАТЛАР РАХБАРЛАРИ

www.andijan.uz

Андижон вилояти ҳокимлиги

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ҲУҚУШУНОСИНING ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий қоидалар

Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқшуноси (кейинги ўринларда “ҳуқуқшунос” деб юритилади) вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида фаолият юритади ва вилоят ҳокими олдида ҳисобот беради.

Ҳуқуқшунос ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг қонун ҳужжатлари, қарорлари, фармойишлари, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари ҳамда мазкур йўриқнома асосида олиб боради.

II. Ҳуқуқшуноснинг асосий вазифалари

Ўз фаолияти мобайнида давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ва меҳнат жамоалари томонидан келиб тушган ариза, шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиб, зарур ҳолларда ҳуқуқий маслаҳат беради.

Вилоят ҳокимлиги аппарати ишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этади. Ҳокимлик томонидан имзоланаётган барча шартнома ва бошқа қонуности актларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, юридик хулоса беради, камчиликларни бартараф этиш чорасини кўради.

Вилоят ҳокимининг кўрсатмаси билан ҳуқуқ-тартибот ва суд идораларида вилоят ҳокими ҳамда аппаратининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқармалар, жамоат ташкилотлари ҳуқуқшуносларининг олиб бораётган фаолиятига доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиш, камчиликларга йўл қўйилаётган тақдирда қонуний чоралар кўрилишини таъминлайди.

Қонунчилик актлари, юқори бошқарув органларининг норматив ҳужжатлари, ҳуқуқий актларининг тартибга солинган ҳисоботи ва сақланишини ташкил этади, бошқа бўлинмалар билан биргаликда вилоят ҳокимлиги норматив ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб боради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳи билан келишилган тарзда шаҳар ва туман ҳокимликларининг қарор ва фармойишлари, бошқа норматив ҳужжатларининг қонунийлигини ўрганиб боради ва зарур ҳолларда уларни бекор қилиш юзасидан вилоят ҳокимига таклифлар киритади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида, вилоят фаоллари йиғилишида катнашиб, Кенгашда кўриладиган масалаларни тайёрлашда бошқа бўлинмалар ва мажмуа ходимлари билан иштирок этади.

Ҳуқуни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳи ҳамда ҳокимликнинг бошқа бўлинмалари билан биргаликда марказий аппарат ҳамда бошқа қуйи бошқарув органлари тизимида қонунчиликни тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, қуйи

бошқарув органлари томонидан амалдаги қонунчиликка зид чиқарилган ҳужжатларини бекор қилиш учун чоралар кўради.

Вилоят ҳокимига имзоланган учун тақдим қилинаётган қарорлар, фармойишлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар лойиҳаларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ келишини таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори асосида фаолият олиб боради.

Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган йиллик иш режасида белгиланган бошқа масалаларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқшуноси